

ҚОРАҚАЛПОҚ ГИЛАМЧИЛИК САНЪАТИДАГИ ГЕОМЕТРИК ШАКЛЛАР СИМВОЛИКАСИ

Наўрызбаева Н.Қ.

ЎзРФАҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.20309023>

Қорақалпоқ гиламчилик санъати - халқнинг кўп асрлик ҳаёт тарзи, дунёқараши ва бадиий диди билан боғлиқ юксак маданий мерос намоёнишидир. Гилам тузилишидаги ҳар бир нақш ва ранг воситасида халқ ўзининг тарихий хотираси, эстетик қарашлари ҳамда маънавий кадриятларини ифода этади. Шу жараёнда геометрик шакллар ва нақшлар алоҳида ўрин эгаллаб, улар нафақат безаквий вазифани бажаради, балки рамзий-маънавий мазмунини ҳам ўз ичига олади. Учбурчак, тўртбурчак, ромб, айлана каби шакллар орқали халқ табиат ва олам тартиби ҳақидаги қадимий тасаввурларини, инсониятнинг яратилиш ва тартиб илоҳиятига бўлган муносабатини акс эттирган. Бу элементлар гилам орнаментикасидаги мувозанат, тартиб ва уйғунликни таъминлаб, халқнинг бадиий тафаккури, эстетик идроки ва маънавий дунёсини ёрқин намоён этади.

Учбурчак нақши. Нақш учбурчак шаклида бўлиб, қиррали бўлганлиги сабабли кўзга тез ташланади деб халқимиз орасида айтилади. Шунинг учун бу шаклдаги буюмлар айниқса қизил рангда бўлиб, уйнинг кираверишига оналаримиз,бувиларимиз шундай шаклда қизил матолардан ичига қалампир, туз солиб туморлар ясаб қистириб қўйган. Буни халқ орасида «ойшиқ» деб ҳам атайди. Бу нақш қилиб ишланиб тил кўздан асровчи талисман сифатида гиламларга ёки кийимлар тўқиган. Айниқса бу нақшни қақпа техникасида ишлаган гиламларнинг четлари қойилган. Бу нақшнинг символик моънаси турлича булиб учрашади. «Ҳомила тушишининг олдини олиш учун туморлар сифатида аёллар соч ўримларининг учларига оқ каури пўстларини «татран» тақишган, енгсиз кўйлак «енгсиз» орқасига эса металл попукли темир учбурчак – «айчик», «ойшиқ» ни тикишган ёки унинг тасвирини нақш ёки аппликация кўринишида тикишган» [1, б. 90]. Бу ҳомила тушиши ҳафи бор булган келинчаклар тақиб юриши ёмонликдан сақлашига ишонган. Хоразмнинг Илонли вилоятининг қардош туркманлари орасида сазан балиғининг учбурчак шаклидаги танглай суягини ёмон кўздан сақланиш учун ишлатишган [2, б. 129] . Демак, мантиқий тарафдан шаклга боғлиқ бўлиб турибди. Сазаннинг танглайи

учбурчак шаклда бўлгани учун ҳам туркманлар ёмон кўздан асровчи тумор сифатида ишлатган бўлиши мумкин.

Тўртбурчак. Бу нақш ҳақида машҳур қорақалпоқ устаси Зерхон Абдимуратова ўз фикрини билдириб ўтади «Ёш пайтимизда катта ёшдаги онам, тўртбурчак нақши шимол, жануб, шарқ, ғарбни билдиради- деб айтишини эслайман»- деди [3]. Бу белги дунёнинг тўрт томонини ифодалаши мумкин. Шунингдек, тўрт сонига боғлиқ атрофимизда бир неча мисолларни айтишимиз мумкин. «Шумерлар, бобилликлар ва оссурияликлар ҳайвонлар кўринишидаги туморлар, муҳрлар, тахталар, плиталар ва бундан ташқари, худолар ва эркалар, худо ва аёллар, ҳайвонлар кўринишлари ёрдамида ўзларини ва уйларини касаллик ва ёвуз руҳлардан ҳимоя қилишга интилганлар. Тўрт томондан ҳимоя қилиш ғояси Бобил даврида тўрт худонинг уй туморидаги тасвирида акс этган: Мардук, Набу, Иштар, Тошметум» [4, б. 97]. Юқоридаги икки маълумот ҳам бир-бирига ҳамоҳанг бўлиб келмоқда. Яъни, тўртбурчак дунёнинг тўрт томонидан ўраб, ҳимоя қилиб, ёмонликдан сақлаб туришни англатади. «Квадрат – тўрт асосий рамзлардан бири бўлиб, осмонга қарама-қарши қўйилган ер рамзи, шунингдек, борлиқ ва кенглик тимсоли» [5, б. 266]. Борлиқ - бу бизни ўраб турган ҳодиса, воқелик, фазо – бу чексизлик. Демак, хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тўртбурчак дунёнинг тўрт томони борлиги ва чексизлик билан дунёнинг хавфсизлигини билдирувчи рамз. Бундай тўртбурчакли геометрик шакллардан ҳосил бўлган, нақшлар қаторига ромб (боғурсоқгул) мотивини киритамиз. Бу нақшда, тўрт нуқтанинг бирлашмасидан ҳосил бўлади.

Ромб. Бу нақш одатда кўп қўлланиладиган нақшнинг бири бўлиб, халқ орасида шакли бўғирсоқни эслатадиган бўлгани учун бўғирсоқ гул деб аталади. «Кўплаб олимларнинг таъкидлашича ромб ва ярим ромб шакли палеолит давридан маълум ва ҳосилдорлик тимсоли бўлди» [5, б. 36]. Бундан бошқа олимларнинг илмий манбаларини кўриб чиқадиган бўлсак, қадимги даврлардан бери ромб шакли туғилиш ва фарзанд кўришнинг универсал тимсоли ҳисобланади. У бош она тимсоллари билан боғлиқ бўлиб, бу рамз бир вақтнинг ўзида она табиат ва буюк она бўлиб учрашади» [6, б. 67]. Бу икки тарихий маълумотда шуни англашимиз мумкин. Ромб- ҳосилдорликни англаиб турган бўлса, униш-ўсиш, ривожланиш маъноларини билдиради. Ва, умрнинг давомийлигини таъминловчи омил бу - аёл. Шуни аниқлашимиз зарурки, қорақалпоқ гиламчилигида қора уйнинг кириш жойига эшикқош безак сифатида қистирилган, ва унинг асосий нақши ўн икки шохли ромб ҳисобланилади. «.....ромб шаклидаги ва илмоқли нақшлар уйга

кирадиган сеҳр билан боғлиқ» [7, б. 36]. Остона уйнинг энг муҳим қисми ҳисобланади. Сабаби, қут-барака, яхшилик, ёмонлик эшиқдан киради. «Қорақалпоқ қора уйларининг Туркий халқларидан қора уйларидан фарқли томони бор бўлиб, қора уйнинг кириш эшиги ҳамма вақт жанубга қаратилади» [8, б. 181]. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ромб кўпайишнинг, ривожланишнинг, тинчликнинг рамзий белгиси.

Хоч нақши. Бу универсал элемент бўлиб, геометрик элемент бўлгани билан юқорида айтилганидек айрим қабилалар учун ва христианлик дини учун тамға бўлди. «хоч ибтидоий даврларда антропоморфик худо образини, ёки ҳаёт дарахтини англатган бўлиши мумкин» [9, б. 7]. Хоч қадимги даврдан келган эски рамзларнинг бири бўлиб, қорақалпоқ гиламчилигида кўп учрайдиган нақшларнинг бири. «Қорақалпоғистон ҳудудида хоч шаклидаги режали, олам белгиси сифатида қараладиган муқаддас қурилишлар қадимги даврларданок мавжуд бўлган. Бундай меъморий режалар (хочсимон лойиҳалаш) бир қатор сак қабристонлари ва мақбараларининг асосини ташкил этган. Жумладан, Тагискен мақбаралари №1 ва №2 шу типда қурилган сак мақбараларидан. Хочсимон тарҳ билан тасвирланган яна бир яққол мисол Чирик-Работ қўрғонидаги айлана мақбара бўлиб, у тарҳ асосида хоч шаклини ташкил этувчи марказий симметрияга эга. Шунингдек, Қўйқирилганқалъа марказий биносидаги хоналар, жанубдан шимолга ва ғарбдан шарққа йўналган ўқлар бўйлаб чўзилган ҳолда бўлиб, улар доира ичига жойлаштирилган хочсимон геометрик шаклни ҳосил қилади» [10, б. 67]. Шунингдек, бу белги қорақалпоқларнинг қора уй хонадонидо доиранинг ичига хоч шаклини соладиган бўлган. «...Неолит давридан бошлаб керамика безакларидан ҳам маълум бўлган хочсимон шакллар Қуёш ғояси ва унга мос осмон, илоҳий ҳимоя билан боғлиқ эди. Христиан символизмида ҳам хочнинг Исо Масиҳнинг рамзига айлангани бежиз эмас. Қуёш маъноси билан бир қаторда, хоч марказни ва тўртта асосий йўналишни белгилаб берувчи фазони ташкил этувчи белги эди. Кўпгина маданиятларда хоч ҳам қадимги замонлардан бошлаб ҳаётнинг асосий қонуни – руҳий ва жисмоний қонунлар орасида энг муҳими бўлган мувозанат қонуни тушунчаси билан боғлиқ» [11, б. 140]. Хоч-адолатни, тенгликни акс эттирувчи мотив бўлиши билан бирга оламини тўрт томондан қўриқлаб турувчи элемент бўлган. Қорақалпоқ гиламларидаги геометрик нақшлар фақат декоратив безак эмас, балки халқнинг фалсафий қарашлари, диний эътиқодлари ва ижтимоий муҳитини ифода этувчи рамзий белгилар тизими сифатида ўрганилади. Ушбу маънавий ва семиотик жиҳатдан бой орнаментлар миллий санъат

анъаналарининг узлуксизлигини таъминлаб, замонавий этномаданий тадқиқотларда муҳим аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Есбергенов.Х, Хошниязов.Ж. Этнографические мотивы в каракалпакском фольклоре.Ташкент.1988.
2. Демидов.С. О пережитках верований связанных с водной стихией и рыболовством у туркмен. Трудф Институт а истории, археологии и этнографии. Т VII. Ашхабад 1963.
3. Наурызбаева.Н. Дала жазыўы. 2024. №3. Информатор; Эбдимуратова З. Нөкис каласы.
4. Walls Budge E.A. Amulet and superstitions. London.1930.
5. Этнография Каракалпаков XIX начало XX века. Ташкент. 1980.
6. Есбергенов Х. Вопросы этнической истории и традиционный культуры каракалпаков // Этническая история и традиционная культура народов Средней Азии и Казахстана. – Нукус, 1989.
7. Этнография Каракалпаков XIX начало XX века. Ташкент. -1980.
8. Есбергенов Х. Обряды и верования каракалпаков относящиеся к юрте// Кочевое жилище народов средней Азии и Казахстана.,М, 200.
9. Уразимова.Т.В, Қурбанова.З. И, Уразбаева.С.К. Қарақалпақ нағыслаў өнери. Ташкент. 2019.
10. Есбергенов Х. Вопросы этнической истории и традиционный культуры каракалпаков // Этническая история и традиционная культура народов Средней Азии и Казахстана. – Нукус, 1989.
11. Богословская И.В. Каракалпакский орнамент образ и смысл. Алматы. 2019.